



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 04 | pp. 244-248 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА УЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ



Болтабоев Дилмурод
мустақил изланувчи

Наманган муҳандислик технология институти

E-mail: boltabaevdilmurod22@gmail.com

Аннотация. Иқтисодий ва унинг субъектларининг ривожланишида иқтисодий ресурслар муҳим аҳамиятга эга. Мақолада меҳнат ресурсларининг аҳамияти, улардан фойдаланиш самарасини ошириш масалалари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: иқтисодий, меҳнат, меҳнат ресурслари, ходимлар, меҳнат унумдорлиги, фойда, самарадорлик.

ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ И ВОПРОСЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИМИ

Болтабоев Дилмурод, стажер исследователь
Наманганский инженерно технологический институт
boltabaevdilmurod22@gmail.com

Аннотация: Экономические ресурсы играют важную роль в развитии экономики и ее субъектов. В статье представлена информация о важности трудовых ресурсов, изучены вопросы повышения эффективности их использования.

Ключевые слова: экономика, труд, трудовые ресурсы, персонал, производительность труда, прибыль, эффективность.

HUMAN RESOURCES AND ISSUES OF THEIR EFFECTIVE USE

Boltaboev Dilmurod, Intern researcher
Namangan Engineering and Technology Institute
boltabaevdilmurod22@gmail.com

Abstract: Economic resources play an important role in the development of the economy and its subjects. The article provides information on the importance of human resources, examines the issues of improving the efficiency of their use.

Keywords: economy, labor, human resources, personnel, labor productivity, profit, efficiency.

Кириш (Introduction). Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг амалга оширилиши ва самараси кўп жihatдан улардаги иқтисодий ресурсларнинг мавжудлиги ҳамда улардан фойдаланиш масалаларига боғлиқдир. Иқтисодиётдаги асосий муаммо ҳам ресурслар тақчиллиги ҳисобланади. Жамиятдаги барча ресурслар чекланган, шу сабабли улардан тежамкорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Иқтисодий ресурслар ичида меҳнат ресурслари ўзига хос хусусиятларга эгадир. Меҳнат ресурсларининг нисбатан етарли даражада эканлиги улардан хўжасизларча фойдаланиш мумкин дегани эмас. Меҳнат ресурсларининг хар бир бирлигидан самарали тарзда фойдаланиш лозимлигини бугунги бозор иқтисодиётида амал қилаётган муносабатлар яққол кўрсатмоқда.

Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш учун меҳнат зарур. Меҳнат қилиш инсоннинг ўз иш кучини фойдали тарзда сарфлашидир, яъни бундай фойдали сарф натижасида маҳсулотлар ёки хизмат турлари яратилади. Инсон ўз қувватини бефойда сарфлаши меҳнат ҳисобланмайди. Меҳнат иш кучининг функцияси, иш кучи эса инсоннинг қобилияти бўлиб, унинг жисмидан ажралмайди. У ўз шахсини эмас, балки ўз меҳнатини сотади, сотганда ҳам маълум вақтга ва ўзига маъқул келган нарх бўйича сотади. Меҳнатни сотиб олувчи бўлиб турли мулк шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар қатнашадилар. Улар ўзларидаги ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил қилиш мақсадида меҳнатни сотиб оладилар. Улар шу меҳнатдан қандайдир наф ёки фойда олишлари мумкинлиги учун уни сотиб оладилар.

Асосий қисм (Main part). Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш уларга сарфланаётган харажатларга тўғридан-тўғри боғлиқдир. Корхона ва ташкилотлар меҳнат ресурсларига иш ҳақи ва турли мукофотлар шаклида, уларни тайёрлаш, қайта тайрлаш ва малакасини ошириш, улар чун зарур шароитларни яратиш, меъёрларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ва шу каби қатор харажатларни амалга оширадилар. Бу харажатлар ичида иш ҳақининг улуши юқоридир. Меҳнат ресурсларининг бозордаги сотилиш нархи келишилган иш ҳақидир. Меҳнат ресурслари ҳам талаб ва таклиф таъсирида бўладилар. Меҳнат ресурсларига талаб меҳнат ресурслари келтирадиган фойдага боғлиқ ва доимо ўзгариб туради. Меҳнатта бўлган талаб кўп холларда иш ҳақи ўзгаришига мос равишда ўзгариб туради. Иш ҳақи юқори бўлса, меҳнатга талаб қисқаради, агар у паст бўлса, аксинча талаб ортади. Аммо, иш ҳақи ортан шароитда ҳам меҳнатга талаб кўпайиши мумкин, чунки иш ҳақига нисбатан меҳнат унумдорлиги тезроқ ортиб бориши юз беради. Натижада иш ҳақига кетган қўшимча сарфни меҳнат унумдорлигининг ортиши қоплайди ва ҳатто унинг тежалишига ҳам олиб келиши мумкин.

Иш ҳақи харажатлар воситасида фойдага таъсир этиш орқали меҳнатга талабни ўзгартиради. Иш ҳақи билан меҳнатга талабнинг ўзгариши ўртасида ҳам муҳим боғлиқлик мавжуд. Меҳнат бозорида таклиф ҳам нархга нисбатан эластик бўлади. Иш ҳақи ортса меҳнат таклифи кўпаяди, камайса таклиф қисқаради.

Турмуш даражаси паст бўлиб, моддий мухтожлик шароитида кўп ишлаб, кўп пул топишга интилиш устунлик қилади. Моддий тўқинчилик ва юқори даражадаги турмуш шароити мавжуд бўлган шароитларда оз ишлаб яхши яшаш

мумкин бўлгандан, қўшимча пул топишга нисбатан дам олиш афзал кўринади. Натижада иш вақти қисқариб, бўш вақт кўпайиши мумкин.

Бозордаги талаб ва таклиф қонунига иш ҳақидан ташқари яна қатор омиллар ҳам таъсир кўрсатади. Масалан, инновацион жараёнлар меҳнат унумдорлигини ошириб, иш кучига талабни қисқартириши мумкин. Иқтисодийда ва турмушда турли ўзгаришлар, яъни пандемия, инқироз, нархлар ўзгариши ва шу кабилар юз берганда иш ўринлари қисқаради, меҳнатга талаб камаяди. Янги техника ва технологиянинг жорий этилиши малакали иш кучига талабни ошириб юборади. Ишлаб чиқариш таркиби ўзгарса, касбларга бўлган талаб ҳам нисбатан ўзгаради. Меҳнатга талаб мавсумий равишда ҳам ўзгариши мумкин. Масалан, иш ҳажми, қурилиш ишлари нисбатан ортадиган ёз ойларида ёки қишлоқ хўжалик махсулотларини йиғиштириб олиш вақтларида шундай хол юз бериши мумкин.

Баъзи бир меҳнат турларида ишга махсус қобилият талаб этилмайди, баъзи бирларига эса махсус қобилият талаб этилади. Оғир ва жисмоний жиҳатдан қийин бўлган ишларни соғлом ва бақувват кишиларгина бажара оладилар. Тўқув дастгоҳларида ишлаш учун паст бўйли кишилар зарур бўлса, йигирув машиналарида ишлаш учун кўпроқ бўйи баландроқ кишилар ишлагани маъқулроқ. Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида шундай касблар борки, улар махсус билим, пухта тайёргарлик даражаси ва катта тажриба талаб этади.

Меҳнатнинг таклифи иш ҳақидан ташқари ишнинг қизиқарли бўлишига, ундан обрў топиш, қўшимча имтиёз олиш, юқори мансабга эришиш имкони, меҳнат шароитининг соғлом бўлишига ва бошқаларга боғлиқ бўлади.

Меҳнатнинг таклифига нуфуз ҳам таъсир кўрсатади, Аҳоли сони тез ўсиб меҳнат қилиш ёшига етган аҳоли қанча кўп бўлса меҳнат таклифи ҳам шунча кўпаяди. Истиқболда Ўзбекистонда бошқа ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби меҳнат таклифининг қисқариши кузатилиши мумкин. Аммо, шу даврга келиб меҳнатга талаб ҳам кескин қисқариши мумкин, чунки техника ва технология жуда тезлик билан ривожланмоқда, меҳнат унумдорлиги ортиб бормоқда.

Меҳнатга талаб билан унинг таклифи мутаносиб бўлмаганда ишсизлик юзага келади. Ишсизлик умуман ишламаслик эмас, балки ишлашга мухтож бўла туриб, иш топа олмасликдир. Аҳолининг меҳнатга қобилиятсиз қисми (ёш болалар, кексалар ва ногиронлар) ишламаслиги табиий. Ишсизлик ишлашга бўлган талабнинг қондирилмай қолишидир. Меҳнат ёшидаги (16-59 ёшдаги) кишилардан маълум қисмининг ишлашга бўлган талаби қондирилмайди, яъни улар ишга жойлаша олмайдилар ва ишсизларни ташкил этадилар.

Ишсизликнинг сабаби меҳнатга бўлган бозор талабининг ўзгариб туришидир. Бу ўз навбатида товарлар ва хизматларга бўлган талабнинг ўзгаришидан келиб чиқади. Техника тараққиёти, машиналарни кўплаб ишлатиш иш кучига бўлган талабнинг қисқаришига олиб келади, меҳнат унумдорлигини ошириб, озчилик меҳнати билан кўпроқ махсулот ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Натижалар ва муҳокама (Results and discussion).

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсади жамият аъзоларининг турмуш шароитларини яхшилаш, турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ қондиришга

қаратилгандир. Ушбу мақсад эса барқарор ривожланувчи иқтисодий шакллантириш орқали амалга оширилиши мумкин. Шунга кўра, бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида самарали чоратadbирлар тизими ишлаб чиқилмоқда ва изчил равишда амалга оширилмоқда. Асосий масалалар қаторида янги иш ўринлари яратиш, ишлаётганлар учун зарур бўлган шароитларни яратиш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш каби масалаларга эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодий ўсишни таъминлашда ишчи кучи бандлиги ҳам муҳим ўрин тутади. Мамлакатда иш билан бандлик даражаси қанчалик юқори бўлса, шу мамлакат иқтисодийнинг барқарорлиги шу қадар юқори бўлади. Шу сабабли, Тараққиёт стратегиясида ҳамда Ўзбекистон-2030 стратегияларининг таркибида иш билан бандлик даражасини имкон даражасида орттиришга олиб боровчи таadbирлар ҳам салмоқли ўрин тутади. Мамлакат раҳбарияти ҳам бу масалаларга катта эътибор қаратмоқда. Президентимиз Ш.Мирзиёев иқтисодий ривожининг муҳим устувор вазифаларидан бири сифатида аҳолининг даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шarti бўлган бандлик масаласини ҳал этишни таъкидлаб ўтди.

Ушбу долзарб муаммони ечиш нафақат иқтисодий, балки, улкан сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу масалани ечишда мамлакатимиздаги барча ташкилотлар ва раҳбар ходимлар қатнашишлари, қабул қилинаётган барча қарор ва фармонлар, дастурлар қатнашишлари шарт. Барча меъёрий ҳужжатларда ушбу масала ҳисобга олиниши лозим.

Хулоса (Conclusions). Меҳнат ресурсларини жамлаш ва улардан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ масалалар ҳал этилади. Меҳнат ресурсларининг самарадорлигини ошириш учун биринчи навбатда уларни ташкил этиш ва бошқаришга аҳамият қаратилиши керак. Ҳар қандай ташкилотда меҳнат ресурсларини ташкил этиш ва бошқариш масалалари билан барча бўлимлар қатнашиши зарур. Ҳозирги вақтда амалиётда бўлган усуллардан воз кечилиши ва замонавий усулларни қўллаш зарур. Ҳар бир ходим тизимли тарзда фаолият юритишига эришиш керак, яъни ҳар бир ходимнинг меҳнат фаолияти барча бўлимлар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатишига эришиш зарур.

Адабиётлар

References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Тошкент, "Ўзбекистон", 2022 йил.
2. Kazakov Olim Sabirovich Management of the economic power of business activities and its impact on its efficiency Journal of Pharmaceutical Negative Results, Volume 13 Special Issue 6, 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/issue/view/25>
3. Elnara Alieva, Olim Kazakov EFFECTIVE APPLICATION OF INNOVATIONS OF THE "THIRD RENAISSANCE" IN INCREASING THE

COMPETITIVENESS OF SMALL BUSINESSES Namangan Institute of Engineering and Technology, Namangan, Uzbekistan Central European Management Journal, Vol. 30 Iss. 3 (2022) ISSN:2336-2693 | E-ISSN:2336-4890, Retrieved from https://journals.kozminskicem-j.com/index.php/pl_cemj.index.html

© Platform & Workflow by: Open Journal Systems.

4. Казаков О.С. Повышение эффективности использования экономических ресурсов. Journal of new century innovations. <http://www.newjournal.org/> Volume-22_Issue-1_February_2023

5. Казаков О.С. Управление результативностью производственных предприятий. Журнал "Экономика и социум" №1(104) 2023 www.iupr.ru

6. Kazakov Olim Sabirovich. Issues improvement management of production enterprises. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT E-ISSN: 2620-6269. <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD>. Vol. 5 No. 2 | February 2023

7. Kazakov Olim Sabirovich. MANAGEMENT OF THE ECONOMIC POWER OF BUSINESS ACTIVITIES AND ITS IMPACT ON ITS EFFICIENCY. Journal of Pharmaceutical Negative Results | Volume 13 | Special Issue 6 | 2022 <https://www.pnrjournal.com/index.php/home/article/view/5743/7083>

8. Казаков О. Тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш. Хоразм Ма'mun akademiyasi axborotnomasi. 2023 – 7\2

9. О.С. Казаков, Л.Ф. Узоков. ВОПРОСЫ УПРАВЛЕНИЯ ТРУДОВЫМИ РЕСУРСАМИ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ. Экономика и социум, 947-950 01 (116) 2024

10. Казаков О. Тадбиркорлик корхоналарида ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари. "Янги Ўзбекистон иқтисодиёти". Ўзбекистон Миллий Университети илмий журнали. № 5, 2023 йил.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

